



## ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ (ТАЙЁРЛОВ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА)

**Мамараимова Гулнора Юсуповна**

*Оқолтин тумани касб-ҳунар мактаби*

*ишлаб чиқариш таълими устаси*

**Мирзахужаев Зафаржон Комилжон ўғли**

*Оқолтин тумани касб-ҳунар мактаби маҳсус фан ўқитувчиси*

**Исабоева Нафиса Бурхомиддиновна**

*Оқолтин тумани касб-ҳунар мактаби*

*ишлаб чиқариш таълими устаси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада узлуксиз таълим тизимида амалга ошираётган ислоҳотлар фаолиятларида ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш, таълим-тарбия бериш жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш бугунги қуннинг муҳим вазифалиридан бири хисобланади.

Педагогик фаолиятда таълим тарбиянинг сифат ва самарадорлигини ошириш ривожланган мамлакатлар қатори кичик мутахассисларга касбий билим, қўникма, малака, шахсий фазилатларни тақомилластириш ва шу асосида мустақил Янги Ўзбекистонимизни ривожланиши, тараққиётига ўз хиссасини қўшаоладиган МСҚО-3 талаблари асосида меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган етук кичик мутахассисликларни тайёрланишидан иборат.

**Таянч сўз ва иборалар:** Инновацион технология, ҳалқаро стандарт тас-нифлагичи, профессионал таълим, стратегия, педагогика, психология, тех-нология, метод, интерактив метод, рақобатбардош мутахассис, субъект, объект.

Жаҳон ҳамжамияти сари асрларга тенг келадиган муҳим йўл босиб ўтган мустақил Республикамиз учун юқори малакали, кенг ихтисосли, меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси долзарб ва энг катта аҳамиятга эга бўлган масаладир.

Кичик мутахассис кадрлар тайёрлаш вазифаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисда”ги қонунларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентиниг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ № 5812 фармони асосида бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълими тизими зиммасига юклатилган.

2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг еттига устувор йўналиши бўйича Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг ҳалқаро стандартларини



жорий этиш, инновацион илму-фан ютуқларини амалиётга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга профессионал таълим дастурлари ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг ҳалқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлаштирилди.

Профессионал таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим босқичларини жорий этиш орқали меҳнат бозори учун малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни ҳам кенг жалб этишдан иборат.

Педагогика фани - шахсий таълим-тарбия асосида ривожлантиришни қонуниятларни ва амалий тавсиялар бериш фанидир.

Педагогика грекча сўздан олинган бўлиб “Paydos”- бола ва “адо”-етакловчи маънони билдиради. Бу фанни ривожлантириш қадимги дунёдан Демокрит (469-399 й э) Платон (427-347 й э) Аристотель (384-322 й э), Чет эл ва ватандош олимларимиз Ян Ринка, К.Б.Гревер, Е.Э.Бертельс, С.П.Толстов, Б.Фофуров, М.Деканов, Х.Мирзазода, М.Хайруллаев ўз фикр-мулохаза, ғояларини билдиришган.

Буюк сиймоларимиз: Мусо Ал Хоразмий, Ахмад Ал Фарғоний, Ахмад Ал Марвазий, Имом Ал Бухорий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино ва бошқалари ғоялари педагогика фанига асос бўлиб хизмат қилди.

Ҳозирги кунда таълим-тарбия жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогика ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида йўналишга бўлган қизиқиши кундан-кунга кучайиб бормоқда, Бундай бўлишининг сабабларидан бири шу вақтга қадар анъанавий таълимда таълим олувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий педагогик технологиялар уларни эгаллаётган билимларни ўзлари излаб топишларига, мустақил ўрганиши тахлил ва хатто хulosаларни ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади, ҳамда нутқи равон шаклланади, дунё қарashi кенгаяди. Таълим берувчи бу жарёнда шахсий шаклланиши, ривожланиши, билим олиши, тарбияланишига замин яратади ва шу билан бирга бошқарувчилик, ўналтирувчилик вазифасини бажаради.

Таълим жараёнида таълим олувчи асосий субъект ва объектга айланади.

Таълим олувчиларни-малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиши инновацион технологияларини ўрни, роли ва ахамияти бекиёс каттадир.


Педагогик технология ва педагог маҳоратига оид билим олувчиларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Профессионал касб-ҳунар педагогикаси - ёшларга маълум соҳада амалий фаолият қўрсатишлари учун зарур ва етарли бўлган билим, хатти-ҳаракат



усуллари ва шахсий фазилатларни шакллантириш қонуниятларини ўрганиб, амалий тавсиялар берувчи фан тармоғидир.

**Педагогика ва професионал касб-хунар педагогикасининг асосий масалалари қуйидагичадир:**



Бундан қўриниб турибдики, бу масалаларни мажмуавий ҳал этилиши маълум ҳуқуқий, меъёрий асосларга таянилган ҳолда професионал касб-хунар таълими тизими олдига қўйилган ижтимоий буюртманинг мақбул ечимини топишга имкон беради

**Инновацион технологиянинг мақсад ва вазифалари:** “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қонунида таълим тизимига замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги қўп карра такрорланади.

Таълим тизимида туб ислохотларни эътироф этиш учун ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб педагогик “Инновация” ибораси қўлланила бошланган. У педагогика назарияси ва амалиётида ўрнини топган бўлсада, унинг моҳиятини тўла ёритиб берилмаган.



“Инновация” инглизча сўз бўлиб innovation –янгилик киритиш йўли билан таълим-тарбия жараёнини мақбуллаштириш сифат ва самарадорлиги оширишдир. Педагогика тизимига киритилган янгилик сифат ва самарадорликка салбий таъсир этиш мумкин. Тизимга унинг ички заҳира ва имкониятларни хисобга олган холда сифат ва самарадорлигини ошириш мақсадида киритилган янгиликларнигина инновация деб тушунамиз.

Бу методнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатишни амалга оширилади.

Педагогик технологиянинг мақсади таълим-тарбия жараёнини етарли самарадорлигини таъминлаш ва таълим олувчилар томонидан, ўқитишининг кўзланган натижаларига эришиш кафолатидан иборат.

Педагогик технологияларни ўзлаштириш, психология, педагогика, касбий таълим услубиёти ва педагогик маҳорат фанларидан олинган билимларга асосланади.

Ўқув материалини ўзлаштириш-ўқитишининг асосий принципидир. Фаннинг ўқув дастурига асосланган ўқув материал, гурухининг барча ўқувчилари томонидан тўла ўзлаштирилиши зарур.

“Ўқув материаллининг тўла ўзлаштирилиш” тушунчаси нимани англатади?

Бу хар қайси мавзу бўйича ўрнатилган даражадаги билим олишга эришиши, ўқув материалини тўла ўзлаштириш принципини англатади.

Билим олувчиларни фанни ёки предметни тўла ўзлаштириши учун замонавий педагогик технологияларни жорий этиш, ўқиш ва ўргатишининг асосий элементларини ўрнатиб педагог кадрларни сифати ва салоҳиятини ошириш зарур.

Ишлаб чиқаришда малакаси юқори бўлмаган оддий ишчи тайёр технология бўйича олий сифатли, стандарт талабларига тўла жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқарганидек оддий ўқитувчи, инновацион технологияларни қўллаб, юқори натижаларига эришади.

Технологиянинг қиммати ва аҳамияти, долзарлиги шу билан белгиланади. Оммавий ўқитиши шароитида таълим олувчиларнинг эришишини таъминлайдиган ягона йўл шу хисобланади.

Инновацион технология “Т.Б” ва “Т.О” фаолиятига янгилик ўзгартириш киритишдир, уни амалга оширишда асосий интерактив методлардан фойдаланиди.

Интерактив метод бу жамоа бўлиб фикрлашдир. Жамоа бўлиб фикрлаш таълим мазмуннинг таркибий қисмидир. Бу методларнинг ўзига хослиги шундан иборатки “Т.Б” ва “Т.О” ўртасида педагогик ҳамкорлик вужудга келади. Бунинг эса ўзига хусусиятлари мавжуд, уларга

- Таълим олувчининг дарс давомида бефарқ бўлмаслик, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишгамажбур этиши;



- Таълим олувчининг ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишиларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;
- Таълим олувчининг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда хар-бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириши;
- Таълим олувчиларни ҳамиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкилланиши;

Инновацион технологиянинг асосий негизи-бу “Т.Б” ва “Т.О”нинг белгиланган мақсаддан кафолатланишнаташкага ҳамкорликда эришишлари учун зарур ва етарли шароитнинг яратилишидир. Инновацион технологиядан фойдаланиш нафақат қишлоқ хўжалиги фанлари балки барча йўналишларга жорий этилиши мақсадга мувофиқдир.


### **Профессионал таълими муассасаларида инновацион технологияларни жорий этиш асосида таълим самарадорлигини ошириш.**

Инновацион технология таълим самарадорлигини оширишнинг асосий йўли хисобланади.

Бу усул қўлланилганда “Т.О” ларда ҳамкорлик фаолияти, ижтимоий натижа, мустақил фикр, ижодий иш, таҳлил, хулоса, гуруҳга ва ўз-ўзига баҳо бериш вужудга келади.

“Т.Б” чи “Т.О” ларга бундай фаолият учун имконият ва шароит яратиши зарур.

Схема №2



Таълим берувчи ҳар бир дарс, мавзу, предмет учун таълим олувчи эҳтиёжини таъминлаши зарур. Технологик харитани тузишда “Т.Б” чи педагогика, психология, хусусий методика, педагогнинг ва ахборот



технологиялардан хабардор ҳамда кўп метод, усулларни билиши керак. Хар бир дарснинг ранг-баранг, қизиқарли, натижали бўлиши дарснинг лойиҳаланишига боғлиқ.

Дарснинг технологик харитасининг кўриниши, шакли “Т.Б” чининг тажрибаси олдига қўйган мақсади, ихтиёрига боғлиқ , у қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит акс эттирилган, аниқ белгиланган мақсад, вазифа кафолатланган натижа бўлиши керак ва шу асосда ижодий иш вужудга келади.

Бу эса ўқитишининг самарадорлигини янада оширади.

Инновацион технология таълим бериш билан бирга тарбиянинг ҳам роли юқори эканлигини кўрсатиб беради, бунда:

- Жамоа билан ишлаш;
- Хушмуомилалик;
- Хушфеъллик;
- Ўзгалар фикрига ҳурмат;
- Фаоллик
- Раҳбарлик фаолиятини шакллантириш ;
- Жамоадошларига ҳурмат;
- Ишга ижодий ёндошиш;
- Ўз фаолиятни самарали бўлишига қизиқиш;
- Ўзини ҳолис баҳолаш;
- Дунёқарашининг кенгайтириш;
- Нутқнинг равон ва текис бўлиши;
- Жамоавий изланиш ;
- Тортинмасдан ўз фикрини айтиш вужудга келади.

Демак, инновацион технология асосида илмий концепция таълим - тарбия орқали таълим олувчиларда мақсадга эриши учун фалсафий, психологик, ижтимоий-педагогик ва дидактик асосларни қамраб олади. у таълим - тарбия ва ўқувчи шахсини ривожлантирилишини лойиҳалаштириш, амалга ошириш, натижаларини назорат қилиб баҳолашдан иборат узвий боғлиқ босқичларини ўз ичига қамраб оладиган тизим.

Ҳар қандай янгилик амалга жорий этилишида энг аввал унинг самарадорлигини хисобга олинади ва амалиётга жорий этилади.

Республикамиз таълим соҳасида юқори самарадорлигига эришиш учун олимларимиз ўз улушларини қўшмоқдалар.

Р.Ж.Ишмуҳамедов ишларида: Кластер (тармоқлар) 3x4, Блиц ўйин-методи, интервью, иерархия, мулоқот, бошқарув, бумеранг техникаси, талаба-ўқитувчи шахси тренинги, мураккаб вазифаларни қўллаш, ақлий хужум, скарабей, ФСМУ, синектика-муаммоли ўқитиши, елпифич, ижодий масалаларни ҳал қилиш, индивидуал ўқитиши;



Н.Сайдахмедов “таҳлил, таъриф мулоҳазалар” номли методик тавсиясида ёзма баҳслар, ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, ажурали appa, 6x6x6, қарорлар, ролли ўйин, баҳс- мунозаралар, ўзинг учун қулай жой танла каби методларни тавсия этади.

Бундан ташқари Н.Н.Азизхўжаева, Ж.Ғ.Йўлдошев, С.А.Усмонов, Н.Х.Авлиёқулов Б.Л.Фарберман, Р.Ғ.Мусина, Ф.А.Жумабоева, В.В.Сафин бошқалар ўқитувчилар учун ўқув-услубий тавғисияномаларни тақдим этганлар.

Технология, шакл, методлари ва тренинглари “Ақлий хужум” гуруҳлараро ишларда қўлланилади, ўқитувчи савол мавзуси муҳокама муаммони ҳал этиш асосида ташкил этилади . Бу турли ғоялар илҳом билан ишлашишга қизғинлик ва рағбатлантиришга етакловчи методдир.

“МУЛОҚОТ” тренинги -дарс жараёнида мустақил фикрлашга, эркин ҳолда баён этиш, баҳслашиш маданиятни тарбиялашга қаратилган бўлиб кичик гуруҳларда ўтказилади .

“БУМЕРАНГ” технология-дарс жараёнида дарсдан ташқари турли адабиётлар матнлар билан ишлаш ўрганилган мавзуни ёдда сақлаш, сўзлаб бериш фикрини эркин баён этиш асосида ташкил этилади ва бир дарс давомида барча ўқувчилар баҳоланади.

“Ф С М У” технологияси -фикрини баён этиш, фикр баёнига сабаб, сабабни тушунтирувчи мисол (исбот) фикрни умумлаштириш асосида ташкил этилади .

“ВЕЕР” технологияси -бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади ҳар бири томонлари, афзаллик фазилатлари ва камчиликлари фойда ва заарлари белгиланади. Бунда танқид, таҳлил, аниқ фикр оғзаки шаклда баён этилади ва ҳимоя қилинади .

“КЛАСТЕР” (тармоқлар) – фикрлар тармоқланиши бу педагогик стратегия бўлиб, мавзуни чуқур ўрганишга, ўқувчи мавзуга таълуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очик равишда алгоритм билан узвий боғланган ҳолда тармоқларига ўргатади

“БЛИЦ-ЎЙИН”-ўқувчини ҳаракатлар кетма- кетлигини тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга, маълумотларни танлаб олишга ўргатади.

“ИНТЕРВЬЮ” техникаси -ўқувчи савол бериш, эшита олиш, тўғри жавоб бериш, саволни тўғри тузишни ўргатишга қаратилган .

“ИЕРАРХИЯ” техникаси – оддийдан мураккабга, мураккабдан оддийга ўтиши орқали ўқувчиларни мантиқий,танқидий ижодий фикрларига ўргатади.

“ТАЛАБА” тренинги -ўқувчилар билан индивидуал ишлаган ҳолда, ўқитувчи ўртасида тўсиқни йўқ қилиш, ҳамкорликда ишлаш йўлини ўргатади.

“СКАРАБЕЙ” технологияси – ўқувчиларда фикрий боғлиқлик, мантиқ хотиранинг ривожланишига имкон яратади, қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очик ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради.



Ялпи “ФИКРЛАР ХУЖУМИ” – бу метод Ж.Дональд Филипс томонидан ишлаб чиқилган. Мавзу асосида қўп ғояларни йиғиш, ижодий вазифаларни ечиш, бир хил фикрлашдан ҳоли бўлишга олиб келади.

“РОЛЛИ ЎЙИН” методи-ўқувчилар томонидан ҳаётий вазиятни ҳар-хил шарт-шароитларни саҳналаштириш орқали кўрсатиб беради.

“КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ” методи – ўқитувчи томонидан берилган маълум бир топшириқни ҳамкорликда бажариш учун ўқувчиларни кичик гурӯҳларга ажратиб берилган топшириқнинг ечиш йўлларини ишлаб чиқишини тақозо этувчи методдир. “Кичик гурӯҳларда ишлаш”, “Давра сұхбати”, “Баҳс-мунозара”, “Лойиҳалаш”, “Викторина”, “Ишбилармонлар ўйини”, “Муаммоли вазият”, “Ақлий хужум”, “Ролли ўйин” каби ноанъанавий шакл ва методлар ўзаро рағбат хусусиятга эга бўлиб, ўқувчиларни онглилик ва фаолликка ундейди. Уларда мустақиллик, ижодкорлик, табиркорлик, изланувчанлик, топқирлик, кичик жамоа билан ишлаш, фикрларидағи ўзаро хурмат ва бошқа шахсий фазилатларни шакллантиришга олиб келади.

Маълумки, педагогик жараённинг самарадорлиги фақат уни ташкил этиш шаклига эмас, балки унинг бирга ташкил этивчи компонентлари ва қўплаб омилларга боғлиқ.

Ана шундай омиллардан таълим-тарбия методлари ҳақли равища марказий ўринлардан бирига эга.

Фаол таълим омилларидан фойдаланиш ғоялари XIV-XVI асрларда илгари сурилган бўлиб, ўқувчиларга тайёр ўқув материалини эмас, балки уларни онгли, мустақил, изланувчан фаолиятлари орқали ўзлаштиришларига эришиши зарур, ана шунда билим, хатти-харакат усуллари ва шахсий фазилатлар муҳим қийматга эга бўлади.

Инновацион технологиялар ўқувчилар шахсида мустақиллик, ташаббускорлик, жавобгарлик хис-туйғулари, танқидий каби сифатларни шакллантирувчи фаол, илғор таълим технологияси хисобланади.

Фаол таълим омилларидан фойдаланиш асосида маҳсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари маҳсус фан ва амалий машғулотларни ўтишда замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологияларни дарсларга тўлиқ тадбиқ этиш орқали мустақил республикамиз учун юқори малакали, кенг иқтисосли, меҳнат бозорида рақобатбардош кичик мутахассис кадрлар тайёрлаш каби муаммолар ечимини топишади ва ўз олдилариға қўйган мақсад-натижаларга эришишади.

Инновацион технологиялар асосида ёш авлоднинг билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатларини шакллантириш, кичик мутахассис эгалashi керак бўлган лавозим, вазифаларга талаб даражасида ишлаши, етарли ва зарур даражада ҳамда кенг кўламдаги билим хатти-харакат усуллари ҳамда шахсий фазилатлар Давлат таълим стандартларида ўз ифодасини топаолади. Ватанимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшаоладиган кадрлар тайёрлаш мақсадига эришилади.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ш.М.Мирзиёев "Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси" Ўзбекистон Тошкент 2022 й
2. Юксак билимли ва интелектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий этдириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти.Халқаро конференция материаллари."Ўзбекистон" 2012 й
3. Абдукудусов О.А. Рашидов Ҳ.Ф "Касб - хунар педагогикаси" Услубий қўлланма Т 2011 йил 13-июн.
4. Авлиёқулов Н.Х "Замонавий ўқитиш технологиялари" Тошкент 2001й.
5. Очилов М "Янги педагогик технологиялар" Қарши . Насаф. 2000 йил.
6. Шодиев Н "Ўқув жараёнига педагогик технологияларни жорий этиш" Самарқанд СамДУ нашри. 2006 йил.
7. Голиш Л.В. Фаол ўқитиш усуллари: мазмун, танлаш ва амалга ошириш. Экспрессқўлланма Т. ТАЪСИС. 2001 йил.
8. Н. Сайидахмедов Янги педагогик технология» Тошкент. 2003 йил.
9. ИшмуҳамедовР.Ж

«Инновационтехнологияларёрдамида таълим санарадор лигини ошириш йўллари» Тошкент 2003 йил.

Интернет маълумотлари:

[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)